



## ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЮЗАГА КЕЛГАН МЕГАТРЕНДЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИРИ

*А.А. Исмаилов,*

*Тошкент молия институтининг профессори,*

*Тошкент, Ўзбекистон*

## IMPACT OF MEGATRENDS IN THE WORLD ECONOMY ON FOREIGN TRADE RELATIONS OF UZBEKISTAN

*A.A. Ismailov,*

*Professor of Tashkent Financial Institute,*

*Tashkent, Uzbekistan*

### **JEL Classification: F01, F02**

**Аннотация.** Сўнги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган мегатрендлар, шу жумладан, Россия-Украина уруши туфайли юзага келган салбий мегатрендлар дунё давлатлари ўртасидаги ташқи савдо муносабатларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо муносабатларига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди. Хусусан, транспорт логистикасидаги муаммолар, ёқилғи-энергетика ресурсларининг қимматлашиши, жаҳон инфляциясининг юзага келиши ана шундай салбий таъсирлардан ҳисобланади.

Россия Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкори бўлганлиги сабабли, унга нисбатан қўлланилган санкциялар Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди. Жумладан, Россиянинг Ўзбекистон ташқи савдо фаолиятида фойдаланиб келган портлари республикамиз учун ёпилди. Чунки, мамлакатимизнинг хорижий ҳамкорлари Россия портларига маҳсулотлар етказиб беришни тўхтатди. Бундан ташқари, Санкциялар туфайли Россиядан Ўзбекистонга хорижий валюталарнинг келиши тўхтади. Бунинг устига, Россия

Ўзбекистондан экспорт қилинган товарларга рублда тўламоқда. Бунинг натижасида республикамизнинг ички валюта бозорида хорижий валюталарга нисбатан қўшимча талаб пайдо бўлди.

Мақолада жаҳон иқтисодиётида юзага келган мегатрендларнинг Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларига таъсирини камайтириши мақсадида мамлакат ташқи савдосининг географик диверсификация даражасини ошириш имкониятлари асослаб берилган, Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳамкорлари билан бож солиғи ставкаларини келишиши орқали экспортни рағбатлантиришининг зарурлиги илгор хориж тажрибасига таянган ҳолда асослаб берилган.

**Abstract.** In recent years, the megatrends in the world economy, including the negative megatrends caused by the Russia-Ukraine war, have had a negative impact on foreign trade relations between the countries of the world, including the foreign trade relations of the Republic of Uzbekistan. In particular, the problems in transport logistics, the increase in the price of fuel and energy resources, and the occurrence of world inflation are among such negative effects.



*Since Russia is the main foreign trade partner of Uzbekistan, the sanctions applied to it have had a negative impact on Uzbekistan's foreign trade relations. In particular, Russian ports used by Uzbekistan for foreign trade were closed for our republic. Because foreign partners of our country have stopped delivering products to Russian ports. In addition, the arrival of foreign currencies from Russia to Uzbekistan has stopped due to sanctions. On top of that, Russia pays for goods exported from Uzbekistan in rubles. As a result, an additional demand for foreign currencies appeared in the domestic currency market of our republic.*

*In order to reduce the impact of megatrends in the world economy on the foreign trade relations of Uzbekistan, the possibilities of increasing the level of geographical diversification of the country's foreign trade are substantiated in the article.*

**Калим сўзлар:** *мегатренд, ташқи савдо, экспорт, импорт, салбий сальдо, инфляция, нефть, газ, рақамли иқтисодиёт, иқтисодий интеграция*

**Keywords:** *megatrend, foreign trade, export, import, negative balance, inflation, oil, gas, digital economy, economic integration*

**Кириш.** Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида Ҳамкор мамлакатлар билан ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида минтақавий ва глобал масалалар бўйича мувозанатли, доимий мулоқот олиб бориш, улар билан икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиш, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамда турли даражадаги маслаҳатлашувларни ташкил этиш. етакчи давлатлар билан кенг қамровли ҳамкорликни стратегик даражага олиб чиқиш ҳамда улар билан кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги

битимларни келишиш, Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи (ЕИ) институтлари билан савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларини ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик шакллари кўллаб-қувватлаш мамлакатнинг ташқи иқтисодий муносабатларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, мамлакатнинг таши савдо муносабатларига мегатрендларнинг таъсирини баҳолаш ва мавжуд салбий таъсирни камайтириш имкониятларини асослаб бериш заруриятини юзага келтиради.

#### **Материал ва метод.**

Я.Френкелнинг фикрига кўра, ҳозирги даврда дунё иқтисодиётидаги икки муҳим мегатрендни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи мегатренд – бу демографиянинг дунё мамлакатлари иқтисодиётига таъсирidir. Демография иқтисодий ўсишни белгиловчи асосий омиллардан бирига айланди. Иккинчи мегатренд – бу Хитойнинг дунё иқтисодиётидаги ўрнидир. Бундан 10 йил муқаддам Европа экспортида Хитойнинг улуши 5 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир 25 фоизни ташкил этади, АҚШ экспортида Хитойнинг улуши 6 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир 30 фоизни ташкил этади [2].

Ж.Нейсбитнинг хулосасига кўра, дунё миқёсидаги мегатрендлар учта асосий параметр бўйича ўзарпо бирлашади:

\*илмий-техник ривожланиш;

\*жамиятнинг ижтимоий-психологик тавсифи (ўз кучига таяниши);

\*АҚШдаги ўзгаришлар [3].

С.Сингхнинг фикрига кўра, жаҳон иқтисодиётидаги асосий мегатрендлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

\*демография;

\*урбанизация;  
\*янги технологиялар;  
\*иқлим ўзгариши;  
\*ресурсларнинг етишмаслиги;  
\*электрон инқилоб;  
\*жамиятдаги ўзгаришлар;  
\*маҳсулотлар ва технологияларнинг конвергенцияси [4]

М. Ильина ва В. Иноземцеваларнинг фикрига кўра, дунё иқтисодиётидаги мегатрендларнинг асосида глобаллашув ётади [5]

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, биринчидан, жаҳон иқтисодиётида илмий сиғими юқори бўлган соҳаларнинг фойдасига бўлаётган ўзгаришлар содир бўлмоқда, иккинчидан, юқори малакали кадрлардан фойдаланишга устувор аҳамият берилмоқда [6].

М.Лебедеванинг хулосасига кўра, “XXI асрда янги феномен-трансхудудий интеграция пайдо бўлди. Агар классик интеграцияда давлатларнинг худудий ҳамкорлиги кўзда тутилган бўлса, трансхудудий интеграцияда турли худудларда жойлашган давлатларнинг ҳамкорлиги юзага келмоқда. Бунга мисол бўлиб, БРИКС ҳисобланади, у Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари киради [7].

**Натижалар.** Россия-Украина уруши дунё иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди: биринчидан, дунё озиқ-овқат маҳсулотлари бозорига салбий таъсир юзага келди, чунки, икки давлат ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи асосий давлатлар сирасига киради [8]; иккинчидан, ёқилғи –энергетика ресурсларининг қимматлашиши юз берди [9]; учинчидан, Европада инфляция даражаси кескин ошди [10].

Фикримизча, ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида юзага келган энергияси, биоэнергияга эътибор қаратмоқда.

долзарб трендлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

**1. Тараққий этган мамлакатларда ва Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби давлатларда информацион ва инновацион технологияларга асосланган рақамли иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланмоқда.** Бунинг натижасида мазкур мамлакатлар иқтисодиётининг рақобатбардошлик даражаси ошмоқда ва давлатлар ўртасидаги рақамли трансформация жараёнлари чуқурлашмоқда.

Рақамли иқтисодиётни глобал миқёсда ижтимоий тармоқлар белгилайди: Facebook, YouTube, Twitter, LinkedIn, Instagram.

Ер шарининг ҳар 4 аҳолисидан биттаси Facebook ижтимоий тармоғининг фойдаланувчиси ҳисобланади.

Жаҳон банки экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, юқори тезликдаги Интернетдан фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга ошиши ЯИМнинг йиллик ўсишини 0,4 фоиздан 1,4 фоизгача ошириши мумкин [11].

**2. Дунё миқёсида энергетика ресурсларининг тақчиллиги кузатилмоқда ва улар баҳосининг ошиб кетиши эҳтимоли юқоридир.**

Энергетика ҳар қандай давлатнинг иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Анъанавий энергия ресурслари тугаш арафасида. Ҳисоб-китобларга кўра, газнинг жаҳон захираси яна 55 йилга етади, кўмир захиралари 270 йилдан кейин тугайди.

Шунинг учун давлатлар қайта тикланадиган муқобил энергия манбаларига – куёш энергияси, шамол

Қуёш энергиясидан нисбатан кўпроқ фойдаланадиган давлатлар бўлиб, Дания, Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой ва АҚШ ҳисобланади.

### **3. Халқаро миқёсда иқтисодий интеграция жараёнларининг чуқурлашаётганлиги.**

1992 йил февралдаги Маастрихт келишувига асосан Европа иқтисодий ҳамжамияти Европа ҳамжамиятига ўзгартитилди ва ягона ички бозорни яратиш жараёни ниҳоясига етди.

1988 йилда АҚШ ва Канада ўртасида эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги, 1992 йилда АҚШ, Канада ва Мексика ўртасида эркин савдо зонаси ташкил қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

1991 йилда Жанубий Америка Божхона иттифоқи тузилди. Унга 5 давлат аъзо – Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Парагвай, Уругвай.

### **4. Жаҳон иқтисодиётида айрим давлатларнинг ролини ошиб бораётганлиги натижасида давлатлар ўртасидаги иқтисодий зиддиятларнинг чуқурлашиб бораётганлиги.**

XX асрда дунё иқтисодиётининг етакчи давлатлари қаторига Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва Эрон кўшилди.

2010 йилда дунё тарихида биринчи марта ривожланаётган мамлакатларнинг ЯИМ ривожланган давлатларнинг ЯИМдан кўп бўлди.

### **5. Ер шари аҳолиси сонининг ошиб бораётганлиги сабабли озиқ-**

### **овқат маҳсулотларига, энергия ресурсларига ва ичимлик сувига бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги.**

Ер юзида ҳар сонияда 21 киши туғилади, 18 киши ўлади. Ер шари аҳолиси ҳар куни 250 минг кишига кўпаймоқда ва ушбу кўпайиш ривожланаётган мамлакатларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда [12].


Африка ва Яқин Шарқда аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсаётганлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия ресурслари ва ичимлик сувининг етишмаслиги муаммоси чуқурлашмоқда.

### **6. Молиявий ресурсларнинг жаҳон молия марказларида тўпланиши ва трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банклар иқтисодий қудратининг ошиб бораётганлиги.**

Жаҳон молиявий ресурсларининг мутлақ асосий қисми (70%) тараққий этган давлатларда жойлашган жаҳон молия марказлари орқали тақсимланмоқда.

Жаҳон молия бозорларидаги операцияларнинг 50 фоиздан ортиқ қисми 10 та трансмиллий банкнинг ҳиссасига тўғри келади.

### **7. Россия-Украина уруши натижасида дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашганлиги, Европада инфляция даражасининг кескин ошганлиги, ёқилги –энергетика ресурсларининг қимматлашганлиги.**



**1-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига [13]**

1-расм маълумотларидан кўринадикки, Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида энг юқори салмоқни эгаллайди.

1-расм маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистоннинг ташқи

савдо айланмасида иккинчи ўринни Хитой, учинчи ўринни Қозоғистон, тўртинчи ўринни Туркия, бештинчи ўринни эса Ж.Корея эгаллайди.

**1-жадвал**

**Ўзбекистоннинг Россия билан ташқи савдо муносабатлари[14]**

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Экспорт, млн. АҚШ доллари	1470	2058	3066
Икспорт, млн. АҚШ доллари	4170	5458	6212
Сальбий сальдо, млн. АҚШ доллари	2700	3400	3146

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистоннинг Россияга экспорти ва Россиядан импорти 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистоннинг Россия билан ташқи савдо муносабатларида 2020-2022 йилларда сальбий сальдо мавжуд бўлган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистоннинг Россия билан ташқи савдо муносабатларидаги сальбий сальдо миқдори 2022 йилда 2021 йилга нисбатан камайган. Бу эса, мазкур даврда экспортнинг ўсиш суръатини импортнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. 2022 йилда 2021 йилга нисбатан экспортнинг ўсиши

48,9 фоизни ташкил қилган бўлса, импортнинг ўсиш суръати 13,8 фоизни ташкил қилди.

**Мунозара.** Юқорида қай этилган мегатрендлар халқаро миқёсда янги тартибларни шаклланишига олиб келди. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**1. Ғарб давлатларининг дунё миқёсида молиявий гегемонга айланганлиги.**

Дунё миқёсида ХВФ томонидан эътироф этилган 7 та етакчи валютанинг барчаси тараққий этган ғарб давлатларининг миллий валюталаридир:

(USD, EUR, JPY, GBP, CHF, CAD, AUD).



Нобель мукофоти соҳиби П.Кругманнинг фикрига кўра: бундай валюталар билан эмиссия ва ташқи қарз ҳажми тўғрисида қайғурмаса ҳам бўлади.

## **2. Тараққий этган давлатларнинг технологик устунлиги.**

Ҳозирги даврда замонавий ва технологик жиҳатдан мураккаб технологияларнинг асосий қисми тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқарилмоқда.

Аммо, ушбу устунлик маълум давр ўтгандан кейин барҳам топиши мумкин. Бунинг сабаблари:

1. Тараққий этган давлатлардаги корпорациялар ва илмий лабораторияларда кўплаб ривожланаётган давлатлардан келган мутахассислар ишлашади. Улар вақти келиб ўз мамлакатларига инновацион ғояларни ташувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Россия каби давлатларда миллий инновацион тизимни ривожлантириш бўйича жиддий тадбирлар амалга оширилмоқда.

3. Тараққий этган мамлакатларнинг кўпчилигида табиий ресурслар етишмаслиги муаммоси мавжуд. Бу эса, компанияларнинг ресурсларга бой мамлакатларга экспансиясини кучайтиради.

## **3. Тараққий этган давлатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни, меҳнат унумдорлигини, ишбилармонлик маданиятини юқори эканлиги.**

Саноатнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтказилганлиги, хизматлар соҳасини ривожланганлиги, қишлоқ хўжалигини тўлиқ механизациялашганлиги тараққий этган давлатлар иқтисодий

ривожланишининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

## **4. Ривожланаётган давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг нисбатан юқори эканлиги**

2020 йилда ЯИМ АҚШда 3,4 фоизга, Германияда 5,4 фоизга, Буюк Британияда 10 фоизга камайган бўлса, Хитойда ЯИМнинг ўсиши 2,3 фоизни ташкил этди.

Аҳоли сонининг кўплиги, аҳоли сони таркибида ёшлар салмоғининг юқори эканлиги (дунё бўйича ёшларнинг 7/8 қисми), табиий ресурслар ва фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги ривожланаётган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатларини оширишга замин яратади.

## **5. Трансмиллий иттифоқларнинг тузилганлиги ва тузилаётганлиги.**

АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасида тузилган Трансатлантик савдо ва инвестицион ҳамкорлик иттифоқи (2016 й.), Транстинч океани ҳамкорлиги (2015 йил октябрь) бунга мисол бўлади.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи, БРИКС ҳам шунга киради.

## **6. Халқаро молия-кредит институтларида тараққий этган давлатларнинг катта овозга эга эканлиги**

Осиё тараққиёт банки акцияларининг 30 фоизи АҚШ ва Японияга тегишли, ХВФ ва Жаҳон банкининг йирик акциядорлари бшлиб, АҚШ, Япония, Франция, Германия, Буюк Британия, Канада, Австралия ҳисобланади.

Россия-Украина урушининг Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларига салбий таъсири Россиянинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкори эканлиги билан изоҳланади.



Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиётида юзага келган долзарб трендлар бўлиб, фикримизча, куйидагилар ҳисобланади:

\*тараққий этган мамлакатларда ва Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби давлатларда информацион ва инновацион технологияларга асосланган рақамли иқтисодиётни жадал суръатларда ривожланаётганлиги;

\*дунё миқёсида энергетика ресурсларининг тақчиллигини кузатилаётганлиги ва улар баҳосининг ошиб кетиш эҳтимолини юқори эканлиги;

\*ҳалқаро миқёсда иқтисодий интеграция жараёнларининг чуқурлашаётганлиги;

\*жаҳон иқтисодиётида айрим давлатларнинг ролини ошиб бораётганлиги натижасида давлатлар ўртасидаги иқтисодий зиддиятларнинг чуқурлашиб бораётганлиги;

\*ер шари аҳолиси сонининг ошиб бораётганлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотларига, энергия ресурсларига ва ичимлик сувига бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги;

\*молиявий ресурсларнинг жаҳон молия марказларида тўпланиши ва трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банклар иқтисодий қудратининг ошиб бораётганлиги;

\*Россия-Украина уруши натижасида дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашганлиги, Европада инфляция даражасининг кескин ошганлиги, ёқилғи –энергетика ресурсларининг қимматлашганлиги.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида энг юқори салмоқни эгаллайди.

Ўзбекистоннинг Россияга экспорти ва Россиядан импорти 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, Ўзбекистоннинг Россия билан

ташқи савдо муносабатларида 2020-2022 йилларда сальбий сальдо мавжуд бўлган.

Ўзбекистоннинг Россия билан ташқи савдо муносабатларидаги сальбий сальдо миқдорини 2022 йилда 2021 йилга нисбатан камайганлиги мазкур даврда экспортнинг ўсиш суръатини импортнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, салбий мегатрендларнинг Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларига салбий таъсирини камайтириш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мамлакат ташқи савдосининг географик диверсификация даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, Қозғистоннинг Каспий денгизи бўйидаги портларидан, Грузиянинг Потти ва Батуми портларидан, Туркиянинг Мерсин портидан, Эроннинг Бандар-Аббос портидан бир вақтнинг ўзида ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим; иккинчидан, республикамизнинг Экспорт-импорт банкини ташкил этиб, ытоқварларни хорижий давлатлар худудида сотилишини молиялаштиришни йўлга қўйиш керак.

2. Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳамкорлари билан бож солиғи ставкаларини келишиш орқали экспортни рағбатлантириш керак.

Бу ўринда Бангладеш тажрибаси муҳим амалий аҳамият касб этади. Бангладеш тажрибаси кўрсатадики, кичик бизнес субъектларининг экспорт тушуми миқдори ва барқарорлигига маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг бож солиғи ставкалари даражаси бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Бангладешдан экспорт қилинаётган товарлар учун АҚШда бож солиғи ставкалари жуда юқори бўлиб, даражасига кўра тўртинчи ўринни эгаллар эди. 2006 йилда Бангладешнинг АҚШга экспорти ҳажми



3,3 млрд. долларни ташкил қилгани ҳолда, тўланган бож солиғи суммаси 500 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, Буюк Британия ҳам шунча бож солиғи тўлади, аммо унинг АҚШга экспорти ҳажми 54 млрд. долларни ташкил этган эди [3].

**Хулоса.** Дунё иқтисодиётида юзага келган мегатрендларнинг юзага келиш сабаблари ва уларнинг Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларига таъсири асосланди.

Мамалакат ташқи савдосининг географик диверсификация даражасини ошириш мақсадида Қозоғистоннинг

Каспий денгизи бўйидаги портларидан, Грузиянинг Поти ва Батуми портларидан, Туркиянинг Мерсин портидан, Эроннинг Бандар-Аббос портидан бир вақтнинг ўзида ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, республикамизнинг Экспорт-импорт банкини ташкил этиб, товарларни хорижий давлатлар ҳудудида сотилишини молиялаштиришни йўлга қўйишнинг зарурлиги асослаб берилди.

Мамлакатнинг ташқи савдо ҳамкорлари билан бож солиғи ставкаларини келишиш орқали экспортни рағбатлантириш таклиф қилинди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

2. Френкель Я. Мегатренды мировой экономики//Экономическое развитие России. – Москва, 2014. - №1. С. 16-17.

3. Юнус М., Ж.Алан. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2009. - С. 141.

4. Naisbitt J. Megatrends: Ten New Directions Transforming Our Lives. New York, Warner Books, 1982. 290 p.

5. Singh S. New Trends. Implications for our Future Lives. London, Palgrave Macmillan, 2012. 278 p

6. Ильин М.В., Иноземцев В.Л., ред. Мегатренды мирового развития. Москва, Экономика, 2001. 296 с. [Ilin M.V., Inozemtsev V.L., eds. Megatrendy mirovogo razvitiya [Megatrends of World Development]. Moscow, Ekonomika, 2001. 296 p.

7. Иванова Н.И. Инновационная политика: теория и практика. Мировая экономика и международные отношения, 2016, т. 60, № 1, сс. 5-16. [Ivanova N.I. Innovatsionnaya politika: teoriya i praktika [Innovation Policy: Theory and Practice]. Mirovaya ekonomika i mezhdunarodnye otnosheniya, 2016, vol. 60, no.1, pp. 5-16.; Афонцев С.А. Мировая экономика в поисках новых моделей роста. Мировая экономика и международные отношения, 2014, № 2, сс. 3-12. [Afontsev S.A. Mirovaya ekonomika v poiskakh novykh modelei rosta [The World Economy in Search of New Growth Models]. Mirovaya ekonomika i mezhdunarodnye otnosheniya, 2014, no. 2, pp. 3-12.

8. Лебедева М. Современные мегатренды мировой политики//Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2019. - №9. – С. 29-37.





9. Артук Эрхан, Фальконе Гильермо, Порто, Гвидо и Боб, Рийкерс (2022). Продовольственная инфляция, вызванная войной, угрожает бедным. Доступно по адресу: <https://voxeu.org/article/war-induced-food-price-inflation-imperils-poor>. Дата обращения: 02.04.2022.

10. Oil prices//[www.imf.org](http://www.imf.org)

11. Инфляция в Европе достигла рекорда. <https://lenta.ru/news/2022/09/30/euinf/>

12. Publication//[www.worldbank.com](http://www.worldbank.com)

13. Demographic situation in the world//[www.imf.org](http://www.imf.org)

14. Ташқи иқтисодий фаолият//[www.stat.uz](http://www.stat.uz)

15. Ташқи иқтисодий фаолият//[www.stat.uz](http://www.stat.uz)